

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 125 (10.934)

Баҳоси эркин нарҳда

Пойтахтнинг бир кунли Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ муносабати билан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмармаси ҳомиёлигида шахримизда яшовчи 20 нафар меҳрга муҳтож болажонлар Германия клиникаларида даволанадиган бўлишди.

БУГУН Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Биз қандай давлат қурмоқчимиз? мавзуда уюштирилган давра суҳбатига тўғрақ раҳбарлари, бадий хаваскорлик жамоалари аъзолари иштирок эттишди.

ЎЗВИНСАНОАТХОЛДИНГ» компанияси ташаббуси билан шахримизда узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари вакиллари иштирокчида ўтказилган семинарда ушбу соҳани янада ривожлантиришни самарали усуллари муҳокама қилинди.

ТАДБИРКОРЛАР ва ишбилармонлик ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида ташкилланган «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари тақдирланди.

АДЛИЯ вазирлиги ташаббуси билан жамиятда қонун ус-туворлиги, қонун ҳужжатлари ва уларга амал қилишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳуқуқшунослар иштирок эттишди.

ДАВЛАТ солиқ қўмитасида солиқлар тарихи музейи ташкил этилди.

СЕРГЕЛИ туманидаги Шукр Бурхон номидаги маҳаллада «Қамолот» ЕИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорликлариде «Эни «Қамолот» билан» лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбир ва спорт муسابақаларида маҳалла болалари ўзаро беллашди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҲИНОНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНДЕК, 2007 ЙИЛ 29 ИЮНЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҲИНОНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Сенаторлар ўз ишларини «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони ижро этиш юзасидан тайёрланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларида ўлим жазоси жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлашни ҳамда умрбод ва узоқ муддатда озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши тасминлайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Қонунда ана шу жазоларни тайинлаш, ижро этиш тартиби белгилаб қўйилмоқда.

Мазкур Қонуннинг сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятини таъкидлаб, сенаторлар ўлим жазосининг бекор қилиниши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларида назарда тутилган ҳар бир инсоннинг яшашига бўлган узий ҳуқуқини, инсонпарварлик принципини амалга оширишни тасминлашига алоҳида урғу бердилар. Сўзга чиққан сенаторлар шунини таъкидладиларки, ўлим жазосининг бекор қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш юзасидан Ўзбекистон Президентини Ислоом Каримов раҳбарлиги остида изчиллик билан ўтказилаётган ислохотларнинг мантуқий натижасидир. Бу ечим фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражаси ошганлиги, мамлакатда тегишли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитлар яратилганлиги туфайли қарор топди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда жиноий жазолар тизими либераллаштирилди, санкциясида ўлим жазоси назарда тутилган моддалар сонини аста-секин камайтирилиб, 33 та ўрнига иккита моддага келтирилди.

Сенаторлар мазкур Қонун амалиётидаги энг либерал ва энг муқамал қонунлардан бири эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Жазолар тизимини жиноятларнинг фақат икки тартибга ўзгартириш, яъни жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун ўлим жазоси ўрнига умрбод ва узоқ муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилмоқда. Масалан, умрбод озодликдан маҳрум қилиш Германия ва Польша сингари мамлакатларда 5 та, Россия Федерациясида 6 та, Грузияда 11 та, Беларусьда 14 та, Қозғистон ва Кореяда 17 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та, Молдовада 24 та жиноят тури учун тайинлангани мумкин.

Бундай жазоларни аёлларга, вояга етмаганларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан, шунингдек тугалланмаган жиноят учун қўланишига тақиқ белгиламоқда. Шу билан бирга таъкидлаб ўтилдики, айрим ҳорижий мамлакатларда ўлим жазоси ҳатто вояга етмаган шахсларга ва аёлларга нисбатан қўлланоқда.

Айни бир вақтда бу, сенаторлар таъкидлаганидек, ҳаётга қарши (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдириш) ва хавфсизликка қарши (терроризм) ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан адолатли ва етарли даражада шафқатсиз қўнундир. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахс жазонинг йиғирма беш йилини, узоқ муддатда озодликдан маҳрум қилинган шахс эса жазо муддатининг йиғирма йили ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейингина авра этиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эга бўлади. Уларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш таомили қўлланилмайди. Шундай қилиб Қонун жазонинг муқаррарлигини тасминлайди ва айни бир вақтда маҳкумларга ахлоқан тазалиш йўлига кириш ва жамиятдаги нормал ҳаётга қайтиш имкониятини беради.

Шундан кейин сенаторлар «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқий судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримовнинг 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тайёрланган.

Сенаторлар Қонуннинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаб эканлар, унинг дастлабки моддаларидаёқ Конституциянинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилишга қаратилган қоидаларига мувофиқ «Ҳеч ким суд қарорига асосланмай ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас» деб белгилаб қўйилганлигига эътиборни қаратдилар.

Қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг процессуал суд тартиби белгилаб, бу эҳтиёт чораси қайси фақулда ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда қўлланилиши аниқлаштириб қўйилмоқда.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш тартиби белгилаб берилмоқда.

Қамоққа сақлаш муддатини узайтириш юзасидан Республика Бош прокурорига қадар бўлган тегишли прокурор жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига илтимоснома киритган пайтда ушбу масалани ҳал этишнинг процессуал суд тартиби жорий этилмоқда.



Юқорида айтиб ўтилган қонунларга киритилган ана шу ва бошқа ўзгартиш ҳамда қўшимчалар, сенаторларнинг фикрича, суд ҳокимияти обрў-эътиборини, шунингдек шахсларни қамоқда сақлаш масаласини ҳал этишда прокурор ва тергов органлари жавобгарлигини, шунингдек суд тартибиде ҳимоя қилиш самардорлигини ошириш имконини беради. Қонун нормалари умум эътироф этилган демократик принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Сўнгра сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилиниши вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Конституциявий Қонунининг ҳамда 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари Қонунчилик палатаси қўмиталари таркибига сайланиши мумкин эмаслиги, фракциялар ёки депутатлар гуруҳлари таркибига киришга ҳақиқат эмаслиги ҳақидаги, улар ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб туриш тўғрисидаги айрим нормаларининг амал қилиниши тўхтатиб туради. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг сиёсий партияларнинг фракциялари раҳбарлари Спикер ўринбосарлари этиб сайланишини назарда тутувчи нормаларини яқин вақт ичиде амалга ошириш ва шу заил ўз ишларининг самардорлигини ошириш имконини беради.

Сенат бошқа бир қанча қонунларни, шу жумладан лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Қонунчилик палатасига киритилган «Содик хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини маъқуллади.

Мазкур Қонунда «Содик хизматлари учун» медалини таъсис қилишга ҳақиқатан ҳам вақтинча маъқулланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатнинг мудофаа қобилияти ҳамда миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Қуролли Қўчаларнинг жанговар шайлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартибни тасминлаш ишидаги катта хизматлари учун муқофотланиши назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Бугун — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун ИТИХОРИМИЗ ТИМСОДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНГА 15 ЙИЛ ТЎЛДИ.

Герб ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, тарихи ва бугунги, халқнинг миллий қадриятларини ўзида акс эттирувчи муқаддас тимсоллардан биридир. У немисча «хербо» сўзи-дан олинган бўлиб, қадимда ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа наслдан-наслга ўтувчи мулкка эгаллик белгиси ҳисобланган.

Ўзбек миллий давлатчилиги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, минг йиллар аввал аждодларимиз томонидан қўлланган «тамга» сўзи ҳам айнан шу маънони аниқлаганини кўраимиз. Бизнинг юртимизда ҳам қўллаб ҳукмдорлар ўз тамгаларига эга бўлгани тарихий манба-

лардан яхши маълум. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг ҳам уч халқа тасвиридаги давлат тимсоли бўлгани, жангу жадалларга улғу саркарданнинг музаффар қўшини ўз туғи ва тамгасини голибона кўтарганча кириб боргани ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий истиқлолимизни ифода этувчи ўз давлат рамзларига эга бўлди.

Президентини Ислоом Каримов 1992 йилнинг 2 июлида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунга имзо чекиди.

(Давлати. 2-бетда).

ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ОСИЁ ВА ТИНЧ ОКЕАНИ ИШЛАРИ БЎЙИЧА БОШ ДИРЕКТОРИ ПРИМО АУЛИ ЖУЛИАНТОНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ ДОИРАСИДА 29 ИЮНЬ КУНИ ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ИНДОНЕЗИЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЎЗБЕКИСТОН — ИНДОНЕЗИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Унда икки мамлакатнинг ташки иқтисодий алоқалар, молия, энергетика, транспорт коммуникациялари, сайёҳлик соҳалари вазирилик ўз идоралари, компания ва концернлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-санаят палатаси раисининг ўринбосари Н.Қосимов икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда индонезиялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига зармоя жалб қилишнинг устувор йўналушлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хушбўйлаштириш жараёни, иқтисодиётимизга изчиллик билан амалга ошириллаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

28-29 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.


Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақдим этган кун тартибининг таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев тақдим этди. Қонун лойиҳасининг барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокидаги моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар томонидан киритилган қатор тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Н.Аҳмаджонов «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини таъкидлади. Савол-жавоблардан кейин ҳар бир модданинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди. Муҳокама чоғида депутатлар айрим нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини баён этдилар. Қонунчилик палатаси киритилган тузатишларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Сувурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Ф.Сафаров тақдим этди. Депутатлар қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини батафсил кўриб чиқиб, муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Санаят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Ж.Акрамовнинг матрузаси бўйича



депутатлар «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси З.Ботирова тақдим этган «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, ушбу фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонун қабул қилинди.

«Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси А.Тўхтабоев тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

ЖАҲОНДА

Португалиянинг Европа Иттифоқини раёс давлат сифатида йилнинг охирига қадар олти ойлик муддатда бошқариш жараёни бошланди. Шу муносабат билан мамлакатнинг Порто шаҳрида тантаналар бўлиб ўтди.

Кеча АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Атлантика океани қирғоғидаги оилавий ранчо-сида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан норасмий тарздаги учрашуви бошланди. Ўзаро суҳбат чоғида ҳар икки Президент Эрон ва Шимолий Кореянинг ядро дастури, Польша ва Чехияга ракета қарши мудофаа тизимларини жойлаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Кеча Гана пойтахти Аккра шаҳрида Африка давлатлари саммити бошланди. Китъаннинг 53 мамлакат раҳбарлари қатнашаётган мазкур анжуманда Африкада Европа Иттифоқи каби ташкилотни тузиш масалалари муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, Дарфур ва Сомалидаги вазият, Европадаги Африкалик қочқинларнинг масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Кеча Венесуэла Президенти Уго Чавез ўзининг Москва ва Минскка таширларидан сўнг Эронга келди ва мамлакат Президенти Махмуд Аҳмадинаждот билан учрашди. Ўтказилган музокараларда ҳар иккала мамлакатнинг келгусида иқтисодиёт, айнқиса нефть ва газ соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантирилиши таъкидлаб ўтилди.

Британиялик полициячилар Англиянинг Лондон ва Шотландиянинг Глазго шаҳарларида режалаштирилган террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга муваффақ бўлдилар. Ушбу кўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширишга тайёргарликда гумон билан 5 киши қўлга олинди. Уларнинг бирортаси ҳам Буюк Британия фуқаролари эмас. Шу муносабат билан қилган чиқишида мамлакат Бош вазир Гордон Браун аҳолини хушёрликка чақирди.

Жанубий Корея мудофаа вазирилик мамлакат парламентида ўз қўшинларини Ироқдан тўлиқ таркибда олиб чиқиб кетиш юзасидан режа тақдим этди. Вазирлик баёнотида айтилишича, қўшинларни олиб чиқиб кетиш ҳақидаги қарор шу йил сентябрь ойига-ча қабул қилинади.

Исроил Президенти Моше Қацав лавозимдан озод этилди. Бунга сабаб этиб, унинг ишқий можаролари кўрсатилмоқда. Шу муносабат билан президентлик вазифасини вақтинчалик бажариш Кнессет спикери Далия Итцикка ўтди.





Оз-Оз Уйганиб Дому Булар...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Давлату бахтини сотгайму киши, Охири «вахасрато» бўлгай иши.
Хар киши ҳам сўзни укмоғи қийин, Қадди-бастни кўр-да, тўн бичгил кейин.

Эйки, ургайсен гуноҳсизни бу дам, Мушт туширгайлар сенинг бошинга ҳам,

Йўқчиликда ким саховат изламас? Ким дўконларда даромад изламас?

Гул тиканга сабр этиб, обрўйи бор.

Гар киши эрса яланғоч, бенаво, Бесабрдирким, эрур йўқсил, гадо.

Одамийким, ҳамдами гайр бўлди ул, Бесабрлик бирла беҳайр бўлди ул.

Сенга ҳамдам бўлса жоҳил найлагай, Оқибат бир кун жоҳолат айлагай.

Олим эрсанг, этма жоҳил бирла баҳс.

Ул кўзимни нури, дер, жоним болам, Бошинга солгай вале дарду алам.

Душманинг йўқ эрса, найларди ҳасад, Жумла олам сенга айларди ҳасад.

Маҳбус ўлдинг бўйлаким ҳақларни еб, Андак-андак тавбани кўр ўзга эп.

Хар неким эрмиш ўзинга нораво, Нораводир ўзгага кўрсанг раво.

Кўз—булут, кўнгил-чамандир жилвагар, Гар булут кўз ёши тўкса, боғ кулар.

Йил агар офатли келса, офтоб— Ўт сочиб, боғларни қилгайдир хароб.

Завку шавк ғамларда эрмишдир, аё, Оби ҳайвон бўлди зулмат ичра жо.

Дўсту ёринг йўлчи юлдуздир сенга.

Аҳли ишқ япроқ каби ларзон эрур. Бадгумонлик этма, йўлдан чалгитар.

Қайга борсанг, ошкор айлаб сирин, Икки душман фош қилурлар бир-бирин.

Илму ҳикмат бергуси йўлдин дарак, Хар тараф йўл бўлса, ҳикмат не керак?

Кўнгли огоҳ кимсани давлатли бил.

Босса қайғу, эгса гар бошингни ул, Сен жадал айлаб, у ғамлардин кутул.

Кимки ўлгайдир, муқаррар ўлгуси, Кимки қолгайдир, муқаррар қолгуси.

Баъзи эркакларда хотинлик ниҳон, Ишвагардирлар чу хотинларсимон.

Ўлса одам, бир уюм тупроқ қолур, Бир уюм тупроқ-да сўнгра соврулуру.

Нафси бузғунларга қибла—суфрадир.

Ақлу хуш юрмас умидсиз йўлга ҳеч, Ишқ эса юргай у йўлдин эрта-кеч.

Лек балолар ичра ишқнинг бошидир, Бошида доим тегирмон тошидир.

Дарди ишқ андоқки, ҳамдам ёри йўқ, Дахр аро бир маҳрами асрори йўқ.

Борму бир девона ошиқдек магар, Ақл унинг савдоси бирлан кўру кар.

Йўқ магар ошиқ каби бечора ҳам, Тибда бу девоналикка чора ҳам.

Учраса маҳрам, сирингни айт тўлиб, Гулни кўрсанг, сайрагил булбул бўлиб.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЁШЛАРГА САБОҚ БЕРМОҚДА

Ёшлигида Бахтиёр Аҳмаджонов циркни жондилан яхши кўрарди. Айниқса унда офир тошларни бемалол ўйнатадиган, занжирларни узиб, полга михларни енгил санча оладиган полвонларнинг чиқишлари катта таассурот қилди.

Тўланбой Қурбанов, Николай Лакиз ва Эльбрус Нажабов каби полвонларга ҳавас қилиб, келгусида уларнинг йўлидан боришни орзу қиларди. Шу сабабдан Б.Аҳмаджонов 19 ёшидан Эски шаҳардаги «Спартак» жамиятида оғир атлетика билан шуғуллана бошлади. Тош кўтариш машқларини ҳам енгил ўзлаштирди. Бироқ циркда полвон сифатида ишлаш учун бировнинг усулларини тақорламай, ўзининг алоҳида йўналишларига эга бўлиш талаб этилади.

пудлик тош бўлиб, уни ҳавога баландга отардим ва қафим билан илиб олиб, худди тош пластмассадан ясалгандек енгил ҳолда бир неча марта қўтараман. Ушбу номерини Тўланбой полвон Қурбанов кўрганида мени бағрига босиб табриқлаганди. Шу тарика мен цирк «оиласи»га қабул қилиндим. Бу худди байрам каби эди.

Дастлаб маданият институти, сўнг жисмоний тарбия институтида таҳсил олганидан кейин оммавий байрам тадбирларини уюштиришда иштирок этди, цирк артистларининг гуруҳига раҳбарлик қилди.

— 1970 йилдан 1992 йилга қадар бутун ҳаётим циркда ўтди,—сўзида давом этади Бахтиёр ака.—Янги-янги номерларни тайёрлаш керак эди. Шу сабабдан ўз устимда тинимсиз ишлаб, янгиликларни ўйлаб топишга тўғри келарди. Менга бу борада ёрдам берган барча устозларимга миннатдорчилик билдираман.


Дарҳақиқат, захматқаш Бахтиёр Аҳмаджонов, ўзидан олдин ҳеч ким ижро этмаган жуда мураккаб номерни ҳам тайёрлашга муваффақ бўлди. Яъни у тошни

ҳавога шундай отардики, тош 4 марта айланганидан сўнг полвон уни қаққонлик билан илиб олиб, томошани давом эттирарди...

Хозирги кунда Бахтиёр ака Аҳмаджонов ҳафтада уч мартадан «Жар» ва «Учтепа» спорт мажмуалари тренажёрлар залларида машғулотлар ўтказиб, бой маҳорати сирларидан ёшларга сабоқ бермоқда. Ҳамон тош кўтариш спортининг жонқуяри. Бодибилдингни эса ундан даволаш мақсадларида фойдаланиш мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда спортнинг энг халқчил, соғломлаштирувчи тури деб билади. Орзуси эса келгусида бодибилдинг ишқибозлари машғулот ўтказадиган зални бунёд этиб, уларга машқлардан бўш пайтларида стол теннисни ўйнаб, югуриш йўлида саломатликларини мустаҳкамлаш учун шароит яратишдир. Ўйлаймики, тиришқоқ ва қуночқак мураббий ўзининг ушбу орзусига ҳам албатта эришади.

Даврон НУРМАТОВ СУРАТДА: Бахтиёр Аҳмаджонов шогирди Жаҳоҳир Расуловга сабоқ бермоқда.

Алексей Попов олган сурат



Футбол

«ПАХТАКОР» — БИРИНЧИ ДАВРА ҲОЛИБИ!

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГАСИДА ЎН БЕШИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛИБ, БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ.

Турнинг марказий учрашуви пойтахтда бўлди. Унда учинчи ўринда бораётган «Қурувчи» (Тошкент) ҳамда иккинчи поғонада қайд этилган «Нефтчи» (Фарғона) жамоалари ўзаро куч синашди. Мазкур учрашув эски ва муросасиз курашлар остида ўтган бўлса-да, стадионга келган муҳлисларга гол кўриш насиб этмади.

бўлимнинг сўнгги дақиқасида пойтахтликлар химоячиси Сергей Лушан ҳакам томонидан белгиланган пенальтини аниқ бажаролмади. Унинг ўн бир метрлик белгидан йўллаган зарбасини Ўзбекистон миллий терма жамоасига янги қабул қилинган «Нефтчи» посбони Ғайрат Хасанов маҳорат билан қайтарди. Шундай қилиб, учрашувда ҳисоб очилмади — 0:0.

яна бир вакили — «Локомотив»га қарши тўп сурган пахтакорчилар йирик ҳисобда зафар кўчди. Александр Гейнрих, Ринат Байрамов, Шаҳбоз Эркинов ҳамда Сервер Желаров киритган голлар чемпион жамоага 4:0 ҳисобидаги галаба келтирди.

рашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» (Зарафшон) — «Шўртан» (Ғузор) 1:2, «Самарқанд—Динамо» (Самарқанд) — «Машъал» (Муборак) 2:1, «Насоф» (Қарши) — «Андижон» (Андижон) 4:4, «Тўполан» (Сариосиё) — «Вобкент» (Вобкент) 0:0, «Бухоро» (Бухоро) — «Металлург» (Беккобод) 2:1.

Айтиш жоизки, ўйинда «Қурувчи» футболчилари галаба қозонишга яқин турганди. Бироқ биринчи

Энг яқин таъкибчиларининг очко йўқотишидан «Пахтакор» (Тошкент) унумли фойдаланди. Пойтахтнинг

Тошкент шаҳрининг олий лигадаги яна бир вакили — «Трактор» Наманганда маҳаллий «Навбахор—Наманган» жамоасига 0:2 ҳисобида ютказиб қўйди.

Мусобақа жадвалида 41 очко жамғарган «Пахтакор» жамоаси яқна пешқадам бўлиб турибди. Биринчи даврани энг юқори поғонада

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

Очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 29 январдаги 1-52/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, ИИББ ахборот маркази оմборхонасида сақланаётган, «ВА3-21013» русумли давлат рақами 10К 4320 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси—1 200 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 2007 йил 25 апрелдаги 1-355/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, ИИББ ахборот маркази оմборхонасида сақланаётган, «ВА3-21011» русумли давлат рақами 11М 0241 бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси—500 000 сўм. 3. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари

бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2007 йил 25 апрелдаги 1-215/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, ИИББ ахборот маркази оմборхонасида сақланаётган, «УАЗ-452А» русумли давлат рақами 15С 8090 бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси—750 000 сўм. 4. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 2007 йил 14 мартдаги 1-153/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, ИИББ ахборот маркази оմборхонасида сақланаётган, «ВА3-21063» русумли давлат рақами 10АЗ 662 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси—2 106 462,80 сўм. 5. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яқкасарой туман судининг 2007 йил 20 февралдаги 1-9/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, ИИББ ахборот маркази оմборхонасида сақланаётган, «Нексия» русумли давлат рақами 30N 6625

бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси—10 688 028 сўм. Ушбу автотранспорт воситалари билан тумасуд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита ўйинга чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 7, 14, 21, август ва 4 сентябрь кунлари соат 11-00 да, ушбу автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равида ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Собир ҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида йлашган РКМБ биносининг савдо залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгор мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳи тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва насини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабан Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 2003850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлардир.


Аукцион савдоларида иштирок этиш учун таъбирлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қанда тўхтатади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳим тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, телефон: 228-712. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 № 000004

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ГАЛАБАБАНК»

ТОШКЕНТ ШАҲАР МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ



Ҳамюртларимизга қуйидаги юқори фоизли янги омонат турлари мавжудлигини маълум қилади.

«Nibol»

омонат турига маблағлар 1 ой сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизларни омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилиши кафолатланади.

«Nilufar»

омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизларни омонатнинг муддати тугагандан сўнг тўлаб берилиши кафолатланади.

«Babor»

омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

«Luks»

омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик 15,6 дан 17,6 фоизгача устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Ishonch»

омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик 15,1 дан 17,1 фоизгача устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Kafolat»

омонат турига маблағлар 3 ойдан 3 йилга қадар сақлаш ва йиллик 16,1 дан 18,0 фоизгача устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Kamalak»

омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш

ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

«Пластик карточка»

талаб қилиб олгунча, муддатсиз омонат турига маблағлар йиллик МБ қайта молиялаш ставкаси миқдоридида фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Navbahor»

омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 20 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

«Shodlik»

омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 22 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

«Sevinch»

омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 20 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

«Коммунал омонат»

омонат турига маблағлар 3 ой ва хан ортиқ сақлаш ва йиллик 18,0 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Нафақа-мададкор»

омонат турига маблағлар 1 йил сақлаш ва йиллик 15,1 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

«Саломатлик»

омонат турига маблағлар 11 ой сақлаш ва йиллик 16,6 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.

Барга ижозатларнинг маблағларини ҳатмасиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамд унинг қайғий сир сақлалиши «Галабабанк» томонидан кафолатланади.

«ГАЛАБАБАНК» омонатлари келгуси даромадларини кафолатлади!

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонинг мурожаат қилишини мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй